O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 9-sentabr • Seshanba • 110 (27.915) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Олдимизда турган улкан марраларни эгаллашнинг энг асосий мезони — бу халқимизнинг бақувват иймон-эътиқоди, тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабати тубдан ўзгараётгани, ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганида намоён бўлмоқда».

2008 йил – Ёшлар йили

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг куч ва имкониятларини рўёбга чиқаришда алоҳида ўрин тутади.

Наманган шаҳрида мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар «Келажак овози» кўрик-танлови навқирон авлодни ҳар томонлама етук, буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, уларнинг ўз қобилият ва иқтидорини тўла намоён этишлари учун шароит яратишда муҳим омил бўлаётгани, ёшларимиз бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватанимизнинг порлоқ келажаги, унинг гуллаб-яшнаши йўлида ўқиб-ўрганишлари, изланишлари, сидқидилдан меҳнат қилишлари лозимлигини таъкидладилар.

Кўрик-танловнинг ижтимоий лойиҳа ва бизнес-режалар, архитектура ва дизайн, ахборот-коммуникация технологиялари, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳа ва ишланмалар, спорт, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика номинациялари бўйича ғолиб чиққан 41 нафар йигит-қизга танловнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг нуфузи йил сайин ошиб бормоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раиси Алишер Абдулҳодиев. — Танловда иштирок этиш учун ўтган йили вилоят бўйича 1950 нафар йигит-қиз ариза топширган бўлса, жорий йилда 3300 нафардан ошди. Улар орасидан сараланган истеъдод соҳиблари мамлакат босқичига йўлланма олди.

Тақдирлаш маросими таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

Акрам САТТОРОВ,
ЎзА мухбири

✧✧✧

Шунингдек, кўрик-танловнинг Андижон ва Фарғона вилоятлари босқичи ҳам бўлиб ўтди.

Суратда: танлов ғолиблари.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва халқингизга самимий қутловларимни ҳамда мамлакатингиз ва унинг фуқароларига равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этишдан мамнунман.

Жаноби Олийлари, юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Степан МЕСИЧ,
Хорватия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кун муносабати билан ғоят самимий ва қизғин қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Молдова билан Ўзбекистон халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари бундан буён ҳам мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига ишончли асос бўлиб хизмат қилаверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва масъулиятли фаолиятингизда янги-янги зафарлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,
Дўстингиз,

Владимир ВОРОНИН,
Молдова Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан чин дилдан муборакбод этаман. Сизга улкан муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва битмас-туганмас куч-ғайрат, мамлакатингизга эса бардавом равнақ ва фаровонлик тилайман.

Литва билан Ўзбекистон бугунги кунда дунёни хавф-хатарсиз ва барқарор кўриш мақсадига асосланган дўстона муносабатларни қўллаб-қувватламоқда ва ривож топтирмоқда. Қувонч билан таъкидлайманки, давлатларимиз ўртасидаги мана шундай икки томонлама алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Муштарак қизиқишларимиз, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда Литванинг Европа Иттифоқига аъзолиги мамлакатларимиз ўртасида, айниқса, энергетика, иқтисодиёт ва маданият каби соҳаларда янада яқин ҳамкорлик қилишнинг кенг имкониятларини очмоқда.

Ишончим комилки, биз ушбу имкониятлардан фойдаланиб, келгусида ҳам дўст ўзбек ва литва халқларини бир-бирига яқинлаштириш йўлида биргаликда иш олиб бораверамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига бўлган самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Эҳтиром ила,

Валдас АДАМКУС,
Литва Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан йўллаётган самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбек халқининг келажакка некбинлик билан назар ташлашига барча асослар бор. Мамлакатнинг давлат суверенитети ва мустақиллиги маънавий ҳамда иқтисодий тараққиётни давом эттириш кафолати ҳисобланади.

Ишончим комилки, Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро самарали ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам халқаро муносабатларнинг адолатли, бехатар ва барқарор тизимини шакллантиришга кўмаклаша беради.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, ушбу байрам кунида Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, халқ манфаати йўлидаги давлат фаолиятингизда янги-янги зафарлар, бутун ўзбек халқига эса тинчлик, омонлик ҳамда равнақ тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Сергей ЛЕБЕДЕВ,
МДҲ Ижроия Қўмитаси Раиси — Ижрочи Котиби

ЎзХДП ҳаёти

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ

партия дастурий мақсадларини амалга оширишга қай даражада ҳисса қўшаяпти?

Ҳудудларда ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, электорат манфаатини мустаҳкам ҳимоя этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудларда маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар орасида Ўзбекистон ХДП вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Хўш, депутатлик гуруҳларимиз ўзларига берилган имкониятлардан қай даражада фойдаланаяпти? Партия дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан қандай ташаббуслар билан чиқаяпти? Халқ депутатлари Тошкент вилоят ва Зангиота туман Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳларининг қўшма йиғилишида шулар хусусида фикр алмашилди.

Зангиота туманида бўлиб ўтган ушбу йиғилишда асосий эътибор депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш ва электорат манфаатини ҳимоялаш масалаларига қаратилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП шаҳар, туман кенгашлари раислари ҳам қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов Президент Ислом Каримовнинг Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида илгари сурилган ғоялар ва вазифаларга эътибор қаратди. Хусусан, Юртбошимиз кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш босқичини энг муҳим ва долзарб вазифа сифатида қайд этди — бу партия депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Бу, аввало, фаоллик ва ташаббускорликни оширишни, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришни талаб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Фахриддин Ражабов, Улуғбек Вафоев «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш» тўғрисидаги Конституциявий қонунни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда ЎзХДПдан вилоят Кенгашига сайланган депутатларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидладилар.

2-бет

Эркин ва фаровон келажагимиз гарови

ОНГДАГИ ЎЗГАРИШ

ҳаётимизда ўз ифодасини топиб, мамлакат тараққиётига хизмат қилмоқда

Аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди.

Ислом КАРИМОВ

Давр, замон ўзгариши, ҳаётдаги тараққиёт шак-шубҳасиз, онг ва шуурда ҳам эврилишга олиб келади. Айниқса, XXI аср шиддати инсон тафаккурига мислсиз таъсир кўрсатмоқда. Ахборот замонига халқимизнинг озод ва эркин кириб боргани бу жараённи янада тезлаштирмоқда. Бу эса одамлар тафаккурида беқиёс яшариш, янгиланиш рўй беришига мустаҳкам замин яратаяпти. Бугун кишиларимизнинг онгу идрокини, дунёқарашини бундан ўн етти йил аввалги ҳолат билан таққосласак ер билан осмонча фарқ борлигига икрор бўламиз.

Газетамизнинг бўлим мудири Беҳзод ШУКУРОВ ва социология фанлари доктори, профессор Мансур БЕКМУРОДОВнинг суҳбати ушбу ўзгаришлар, янгиланишлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида.

2-бет

ҚЎШМА КОРХОНАДА ЁШЛАР

Андижоннинг Қўрғонтепа туманида янги қўшма корхона иш бошлади.

Ўзбекистон — Россия — Америка ҳамкорлигида ташкил этилган «Самошертекс» қўшма корхонаси 600 нафар маҳаллий аҳолини иш билан таъминланишига замин яратди. Қувончлиси, иш билан таъминланганларнинг саксон фоизини ёшлар ташкил этмоқда.

Маҳаллий хомашёдан пахта толаси тайёрлашга ихтисослашган қўшма корхона илк кунданоқ суткасига ўн тонна атрофида маҳсулот тайёрлай бошлади. Йилига беш минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга қўшма корхона асосий маҳсулотини Бельгия, Россия, Туркия каби давлатларга экспорт қилади.

«Туркистон-пресс».

МАРДЛАР ТУШАР МАЙДОНГА

Шаҳрисабз шаҳри марказидаги «Ҳисор» ўйингоҳи кураш мухлислари билан лиқ тўлди. Улар орасида бир умр давраларда бел ушлашган кекса полвонлар, кўзларида иштиёқ ва орзу чақнаб турган ёшлар жуда кўп эди. Шаҳрисабз туман кураш федерацияси ижрочи директори, Республикада хизмат кўрсатган спорт устози Холбобо Авлоқулов биз билан суҳбатда туманда кейинги йилларда самбо ва кураш бўйича 10 та жаҳон чемпиони етишиб чиққани, улардан 6 нафари ўз шогирдлари эканини фахрланиб тилга олади.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Эркин ва фаровон келажагимиз гарови

ОНГДАГИ ЎЗГАРИШ

ҳаётимизда ўз ифодасини топиб, мамлакат тараққиётига хизмат қилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Б.Шукуров: — Кейинги ўн беш-йигирма йил ичида дунёда содир бўлган ўзгаришлар, жаҳон харитасидаги янгиликлар биринчи навбатда онгнинг ўсишига, бинобарин, тараққиётнинг шиддатли тус олишига сабаб бўлди. Кишиларимиз ҳаётидаги мана шу жараён эса мустақиллигимиз билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди. Истиқлол бизни сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий қарамликдан, фикрий, маънавий-руҳий қуллиқдан халос этди. Янгича ҳаёт тарзи вужудга келди. Аксарият ҳолларда бу «аслликнинг қайтиши» деб таърифланмоқда...

М.Бекмуродов: — Тўғри. Мустақиллик бозор иқтисодиётига йўл очди. Дунёдаги тартиботларнинг ижобий жиҳатлари билан уйғунлашдик. Давлатимиз раҳбари ишлаб чиққан беш тамойил мамлакатимизни барқарор тараққиёт йўлига олиб чиқди. Хусусий мулк вужудга келди ва мулкка муносабат, мулкий муносабатлар ўзгарди. Шўро тузумида ёпиқ тизим ҳукм сурган, давлат ва жамият ёпиқ фаолият олиб борган бўлса, энди очиқ тизимга ўтилди. Очиқ тизимнинг битта кўриниши бу — бозор иқтисодиёти. Бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан одамларни эркин фаолиятга ундайди. Эркин фаолият эса онг ўзгаришига олиб келади. Айтиш мумкинки, жамиятимизда онг ўзгаришининг иқтисодий асоси таркиб топди.

Иккинчиси, жамиятнинг маънавий тузилмаси ва тизими ўзгарди. Шўро даврида динга муносабат Яратганни ва илоҳий таълимотларни рад этишга асосланган эди. Худосизлар жамиятлари тузилган, илоҳиётга қарши муносабат шакллантирилган. Дунёқараш ўзгартиб юборилган. Худосизлик (атеизм) сиёсатга айланиб, диндан баланд мавқе касб этган. Барча динлар дунёнинг асосига ишончдан иборат бўлса, атеизм шу ишончни, иймон-эътиқодни инкор этишга асосланган эди. Риёкорликдан иборат бу сиёсат кишилик жамиятига етказган зарарни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шўро сиёсати одамларни маънавий-руҳий қул-манқурт қилишга қаратилган эди. Бундай тоифа билан ҳозирги маънан ва руҳан озод, ҳур фикрли одам дунёқараши ўртасида қанчалик фарқ бўлишини англаш қийин эмас. Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридаги қуйидаги фикр ҳаёлдан ўтади: **«Табиийки, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёнида одамлар онгида, жамият мафкурасида туб ўзгаришлар содир бўлади. Бироқ, баъзи бировларнинг ҳадиксираб, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб қолади, деган хавотирлари ўринсиз экани Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар мисолида яна бир бор яққол аён бўлмоқда».**

Шўро жамиятида ялпи коллективизм руҳи жорий этилган. Ҳамма нарса коллективда ва ҳамма нарса коллектив орқали деган тамойил ҳукм сурган. Яъни инсон йўқ. Коллектив бор. Инсоннинг ўзлиги, алоҳида шахс эканлиги, ўз фикри борлиги бутунлай инкор этилган. Адабиётдаги «конфликтсизлик назарияси» ҳам шу мақсадга хизмат қилган андозалардан биридир. Индивидуал фикр, шахс фикри деган қараш тан олинмаган.

Мустақиллик ҳар бир одамни, унинг бетакрор инсон эканини юзага чиқариш имконини яратди. Бизнинг халқимиз тарихан ва тақдиран жамоавий. Аммо бизнинг жамоавий ҳаёт тарзимиз билан ўтмишга хос коллективизм ўртасида тафовут катта. Шўро давридаги коллективчиликка ёндашув сиёсий аҳамият касб этган. Масалан, бирор жойда бирор оммавий тадбирда кимнингдир иштирок этмаслиги, сабабидан қатъи назар, унинг сиёсий қолоқлиги деб қараларди. Бундай одам тезда яккаланиб қоларди. Миллатимизга хос жамоавийликда эса инсон йўқолиб кетмайди. Унинг ўзига хослиги, индивидуаллиги инкор этилмайди, балки жамоада намоён бўлади. Агар у маҳалла фаоли бўлса, маҳалладаги ўзининг жамоавийлигини онгли шахс сифатида намоён этади. У бошқаларни ўйловчи, бошқалар тўғрисида қайғурувчи деб қабул қилинади. Баҳовуддин Нақшбанднинг машҳур ибораси бор: «Кимки фақат ўзи ҳақида қайғурибди, демак, у ўзини ўйламабди, кимки ўзгалар тўғрисида қайғурибди, демакки, у ўзини ўйлабди». Бу халқимизга хос жамоавийлик хусусиятини яққол намоён этади ва шахс сифатида ўзликни кўрсатишга ундайди. Ўзида одамийликни намоён этади. Бу ҳам аслликнинг бир аломати.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Б.Ш: — Сизнинг таҳлилингиздан келиб чиқсак, масалага сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ёндашиш мумкин. Мазкур йўналишлар бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ишлар алоҳида таҳлилни талаб этади.

М.Б: — Кейинги йилларда кишиларимизнинг ижтимоий фаоллиги ошди. Одамларда ўзини шахс сифатида қарор топтиришга рағбат кучайди. Шахс сифатида қарор топтириш деган тушунча илгари йўқ эди. Шўро даврида инсон ўзини шахс сифатида шакллантириши эмас, балки тўлалигича коллективга бахшида қилиши рағбатлантириларди. Бу унинг обрўсини белгилар эди. Лекин ҳозир шахс, жамият ва давлат манфаатларининг уйғунлиги талаб этилаяпти. Шахс ҳаётга бир марта келади, демак, у ўзининг маънавий, иқтисодий «мен»ини таркиб топтиришга масъулдир. Давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти шундай. Илгари инсонга муҳаббат йўқ эди. Ҳозир-чи? Сиз йилларнинг номланиши ҳодисасига бир эътибор беринг! «Аёллар йили», «Ёшлар йили»... Ахир, бу инсонга муҳаббат, инсон омилига эътибор, уни рўёбга чиқариш ҳаракати эмасми? Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мустақилликнинг бош мақсади — инсоннинг инсонлигини юзага чиқариш, шахс сифатида қарор топтириш, ўзлигини англатишдир.

Б.Ш: — Энг асосийси, ўзликни англаш концепцияси амалга оширилаётгани, шахс қадр-қимматининг қарор топгани ҳамда мана шунга шарт-шароит яратилгани, деб ўйлайман.

М.Б: — Давлат томонидан тизимли асосда амалга оширилаётган ўзликни англаш концепцияси онг ва тафаккурдаги ўзгаришнинг мағзини ташкил этади. Ўзликни англаш, ўзликни англатиш, англанган ўзлик орқали жамоага фойда етказиш. Шўро даврида бунинг акси эди, шу боис, тўқима образлар тарғиб этиларди. Совет кишиси ҳамма нарсага қодир, деган фикр ўтказиларди. Буни севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўша замонда қайд этган:

Ўзи ҳам билмаган хислатин ўқиб,
Уялиб юради шўрлик қаҳрамон.

Мустақиллик даврида биз табиийликка яқинлашдик, онгдаги ўзгаришнинг асосийси — инсон англанган ўзлик орқали фаолият юрита бошлади. Илм-маърифат орқали дунё ҳамжамиятига ўз салоҳиятимизни намоён этиш кучайди. Кимё фанидан халқаро Менделеев олимпиадасида биринчи ўринни олдик. Спорт соҳасидаги ўзгаришларни қаранг. Илгари билганимиз пахта эди. Ҳатто у миллат рамзига айланган эди. Ахир, шундай бўлиши мумкинми?

Навқирон давлатимиз ўзининг босқичма-босқич ривожланиш йўлида эл-улуснинг буюк миллат, буюк жамият, буюк халқ бўлиши учун шарт-шароит яратиб берди. Нима орқали? Маънавий соҳа, илм-фанни ривожлантириш, миллий тарихни, қадриятларни тиклаш орқали. Инсонни ҳаётга тайёрлаш концепцияси амалга оширилаяпти. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг энг асосий мақсади битта — инсонни ҳаётга тайёрлаш. Бу жараён ҳар бир одамни шахс сифатида шакллантиришсиз бўлмайди. Шу жараёнда миллий қадриятлар, тарихий меросимизнинг тикланиши ҳам ўзига хос аҳамият касб этаяпти. Чунки биз уларни англамасдан туриб, ҳеч қачон ўзимизни англай олмасдик. Тарихини билмаган халқ ҳеч қачон ўзини тиклаб ололмайди. Биз ҳозир жуда катта қурол — тарих билан қуролланаяпмиз. Бизнинг тарихимиз жуда бой. Уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш онгдаги жуда катта ўзгаришга олиб келаяпти.

Б.Ш: — Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб, шахс эркинлигига эришиш сиёсати амалга оширилаётгани, Конституциямизда ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги белгиланган, диний ва виждон эркинлиги, кўппартиявийлик, мафкура ва фикрлар хилмахиллиги, сиёсий плюрализмга кенг йўл очилгани ҳам онгимиздаги ўзгаришга катта таъсир кўрсатди. Инсоннинг эътиқоди эркин бўлмаса, онгида ҳам манқуртлик асоратлари сақланиб қолаверади...

М.Б: — Шахс сифатида шакллариш учун инсонга танлаш ҳуқуқи яратилди. Сиёсий партияларга аъзо бўлишда танлаш ҳуқуқи, ёшлар илм олиши учун ўқув юрти танлаши, касб танлаш, ҳаётдаги ўзининг йўлини танлаш, ўзига муносиб жамоаларни топиб меҳнат қилиш ҳуқуқи ва бошқа шарт-шароитлар юзага келдики, бундан мақсад — инсонни шахс сифатида ижтимоий макон ва замонда фаоллаштиришдан иборат. Абу Мансур Мотуридий бундан минг йил олдин инсон бу фоний дунёда нимани танлаганига қараб, боқий дунёда ҳаёти қандай бўлиши белгиланади, деган тамойилни асослаб берган. Бу динни талқин этишда энг катта ўзгариш бўлди. Биз танлаган онг ва тафаккурдаги ўзгаришларнинг назарий асослари ҳаводан олиб яратилгани йўқ. Бу миллатимизнинг қонида бор эди. Мустақиллик ана шу тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш имконини яратди. Яна тарихий илдизимизга тутащдик. Биз улуғ аждодларимизни шунчаки хотирлаётганимиз йўқ. Балки ҳар бирининг ўлмас меросини ўрганаяпмиз, улар ибратидан фойдаланаяпмиз. Бу эса онгдаги ўзгаришга, бинобарин, мамлакат тараққиётига йўл очмоқда.

ИШОНЧ МАМЛАКАТИ

Б.Ш: — Инсон тафаккуридаги эврилиш ва унинг маҳсулини ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди. Шу маънода, ижтимоий сўровларга қандай қарайсиз?

М.Б: — Мамлакатимизда Амалий социология шакллан-ди. Бу борада ўтказилаётган ижтимоий сўровлар кишиларимиз тафаккуридаги ижобий ўзгаришларни ўзида яққол намоён этаяпти. «Ижтимоий ҳимоя йили»да вилоятларда ўзим тадқиқотлар ўтказиб кўрдим. Шунда жамиятимизда ижтимоий фаоллик, бунёдкорлик, яратиш туйғуси кучайиб бораётганига бевосита гувоҳ бўлдим. Қизиқ ҳолат, «Ҳаётингиз қандай ўтаяпти?» деган саволга аксарият: «Ҳаётим турли воқеаларга бой, завқли ўтмоқда» каби жавоб билан бирга, «Умримиз тез ўтаяпти», деб қўшимча қилишди. Бу нимадан далолат беради? Умрнинг тез ўтаётгани фаровон ҳаёт аломатларидан бири ҳисобланади. Ҳаёт мантиғига кўра, умр тез ўтаяптими, демак, яхши ўтаяпти ва одамлар уни ўтказиб юборишни истамаяпти. Қандай ўтганини билмай қолаяпти. Бу кунлар ҳам ўтар-кетар, деган гаплар, қарангки, ортда қолди. Шўро даврида бу ибора жуда кенг тарқалган эди. Ҳозир одамлар унақа демайди. Кўпчиликдан, турли тоифа одамлардан сўраб кўринг: «Ҳаётингизда бирон-бир ўзгариш бўлдимийўқми?» — деб. «Худога шукр, яхши!» — дейди. Шукроналик — хайрли аломат. Одам ҳаётдан рози бўлмаса, бундай демайди.

Лекин, шуни айтиш керакки, турмушдаги ўзгаришлар билан маънавий оламдаги ўзгаришлар бир хил кечаяпти дея олмаймиз. Маънавиятни ўзлаштириш борасида қиладиган ишлар ҳали кўп. Бу энг катта камчилигимиз бўлса, ажаб эмас. Яъни, мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларни, эришилган шарт-шароит ва имкониятларни, ҳуррият берган олий инсоний саодатни теран англаш даражаси бугунги кун талаби даражасида дейиш қийин. Эҳтимол, айрим одамлардаги ношукрлик шундай кайфият туғдирар? Эҳтимол, эски замонни қумсовчилар ишимизга тўғаноқ бўлаётгандир? Нима бўлмасин, бу борадаги ишлар такомилига етиши зарур.

Б.Ш: — Мен ҳам шундай ҳолатларни кузатганман. Дейлик, менинг ҳаётим қандай бўлиши жамиятга боғлиқ, нега менинг ҳаётимни фаровон қилиш учун ҳеч ким ҳеч нарса қилмаяпти, деган иддао билан яшовчилар йўқ эмас. Демак, эскидан қолган ақидалар ҳамон сақланиб қолаётган экан-да?

М.Б: — Ҳамон сақланаяпти, десак, нотўғри бўлади. Лекин маълум маънода ўрни, изи бор. Бу катта авлодда кўпроқ намоён бўлади. Ёшларга улар ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Бироқ ёш авлодда максимализм бор, ижобий қарашлар кучли. Қолаверса, ёшлар доимо эътиборда, уларнинг аксарияти соғлом фикрга эга. Умуман, туйғуларни тарбиялаб бориш зарур. Нега? Мамлакатимизда қисқа вақт ичида 1300 та касб-ҳунар коллежи қурилди. Ўн мингга яқин мактаб, юзлаб лицей, замонавий йўллар, муаззам кўприклар, кўркам иншоотлар барпо этилди. Бунёдкорлик ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятига айланди. Хўш, буни, Ватан ободлигини кўриб қувониш, фахрланиш ҳисси ҳаммада бир хилми? Дахлдорлик туйғуси тўла намоён бўлаяптими? Афсуски, бу ўзгаришларга лоқайд қаровчи ёки ҳасад қилувчи, ишимизни йўққа чиқаришни истовчи одамлар бор орамизда...

Б.Ш: — Дунёдаги мавжудотнинг энг улуғи инсон. Унга Яратганнинг буюк неъмати — онг берилган. Аммо, онг ҳар бир инсонда ҳар хил. Такрорланмас. Ҳаётимиз қандай бўлиши эса онглилик даражасига бевосита боғлиқ. Маълумки, тоталитар тузумда инсон онгига муттасил ҳужум уюштирилди. Уни сўндиришга ҳаракат қилинди. Бу изсиз кетган эмас, одамлар камбағаллигидан, ночор яшашидан фахрланадиган аҳволга тушиб қолди.

Ўн етти йилдан буён одамларни ана шу асоратдан холи қилиш учун кураш олиб борилаяпти. Бу эзгу интилиш натижаси онгу шууримизда ҳам, ҳаётимизда ҳам, юртимиз жамолида ҳам ўз аксини топмоқда. Ватанимизнинг кундан кун чирой очиб, кишиларимизда яратувчилик туйғулари жўш ураётгани бунинг ёрқин далилидир.

М.Б: — Жуда тўғри. Замондаги ўзгариш инсон дунёқарашида, бу эса маконда ўз ифодасини топиши, ўзини намоён қилиши табиий. Агар макон бўлмаса қандай қилиб, маънавият ўзгаради, жамоавийлик ривожланади? Бу жараённи бир қанча мисолларда кўриш мумкин.

Жамиятимиздаги маконни ўзгартириш ҳаракати маҳалла тизимини қайта тиклаш жараёнида намоён бўлди. Маҳалла гузарлари ташкил бўлаётгани, унинг ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайиб бораётгани, инсон қадрига эътибор олижаноб ишларга кенг йўл очмоқда. Жамиятимиз ахлоқий гўзалликни ардоқламоқда. Кишиларимиз ёқимли хулқлар билан хулқланмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотларда давлатимиз билан бирга, жамият иштироки тобора кучайиб бораяпти. Бу одамларда ўзига ишончни мустаҳкамлаб қолмай, уларнинг бирдамлиги ва фаоллигини оширмоқда. Булар барчаси кучли давлатдан кучли жамиятга ўтаётганимиздан далолат. Бу жуда катта ўзгариш. Одамларда саховатпешалик туйғуси кучайиб бораяпти. Янги, гўзал фазилатлар шаклланаяпти. Булар прагматизм, яъни ҳаракатчанлик, ўз кучи, саъй-ҳаракати билан муваффақиятларга эришиш, режа асосида яшаш, вақтни қадрлаш, ижтимоий сафарбарликнинг кучайишидир. Мустақиллик йиллари одамларда эзгу мақсад йўлида қатъий курашиш фазилати таркиб топди. Тақдирим қандай бўлиши саъй-ҳаракатларимга боғлиқ деган тушунча тобора кучайиб бораяпти. Ишонч туйғуси шаклланаяпти. Нимага ишонч? Ўз давлатига, ўзига, оиласига, фарзандларига ишонч. Ўғлим ёки қизим ўз кучи билан фалон ютуққа эришди, деган ғурурга тўла гапларни тез-тез эшитиб, хурсанд бўласан. Буларнинг барчаси эртанги кунга ишонч демакдир. Ўзбекистон ишонч мамлакатига айланганидан далолат.

Яна бир қувончли ютуқ — гўзалликка ошуфталиқдир. Гўзалликка интилиш энг олижаноб фазилат. Кўчаларимизга бир қаранг. Одамлар бир иморат қурса, уни чиройли қилиб, атрофини ҳам кўркам қила бошлади. Яшаб турган манзилини гулзорга айлантириш, ораста кийиниш маданияти кучайиб бораяпти. Воқеликка эстетик мезонлар орқали баҳо бериш туйғуси таркиб топди. Энди одамлар: «Бизга бўлаверади», деб тўғри келган жойида тўй-маъракa ўтказмасдан гўзал, шинам ва ораста тўйхоналарда, ресторанларда нишонламоқда. Бу жамиятимиздаги катта ўзгаришларни кўрсатиб қолмай, маданиятлилик даражаси ошиб бораётганидан далолат ҳам беради.

Аҳолининг ўртача умр кўриши ҳам сезиларли даражада ўсди. Бу борадаги умумий кўрсатгич 1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 72,5 ёшни ташкил этди. Ҳаёти кундан-кунга яхшиланиб бораётган халқнинг ўртача умр кўриш ёши ўсиши мумкин. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Тафаккуримиздаги энг асосий ўзгариш, ниҳоят, биз она Ватанимизни танидик, уни дилимизга жо этдик. Зеро, бу — олий бахт, энг олий саодатдир.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ

партия дастурий мақсадларини амалга оширишга қай даражада ҳисса қўшаяпти?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Муҳайё Тўлаганова, Зангиота туман Кенгаши депутатлари Облоқул Жўраев, Миркамол Жўраев, «Эркин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Ғаниевлар ҳам мавзунинг долзарб жиҳатларига тўхталдилар.

Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган пенсионерлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, ногиронлар манфаатини ифода этиш, ЎзХДП депутатлик гуруҳининг устувор вазифасидир. Йиғилиш иштирокчилари бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилдилар. Чирчиқ, Бекобод шаҳар, Қибрай, Бекобод ва Бўка туманларида партиядан сайланган депутатларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда аҳоли турмушини янада яхшилаш йўлида фаолият олиб бораётгани таъкидланди. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳамидулла Назаров халқ депутатлари Тошкент вилоят ва Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ҳар ойнинг сўнгги шанба куни Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида фуқароларни қабул қилади ва улар мурожаатларининг ҳал этилиши устидан доимий мониторинг олиб боради. Айниқса, 2008 йил 26-30 май кунлари депутатлар 36 та маҳалла фуқаролар йиғинида учрашувлар ташкил қилгани ўз самарасини берди. Учрашувларда кўтарилган ижтимоий масалалар, муаммо, камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, назоратга олиш учун Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига юборилди. Натижада, тушган мурожаатларнинг 75-80 фоизи ижобий ҳал этилди.

Анжуманда, шунингдек, депутатлик гуруҳларининг бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алия Юнусова Бекобод шаҳар, Бекобод ва

Бўка туманларида партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда ЎзХДП бошланғич ташкилотлари, корхона, муассаса ва ўқув юртларида янги қабул қилинган қонунлар ва парламент қуйи палатасида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларига бағишланган давра суҳбатлар, учрашувларни мунтазам ўтказиб келаяпти. Бу эса депутатларнинг сайловчилар, партия электорати билан алоқалари янада яхшиланишига, уларнинг депутатларга турли масалалар бўйича бевосита мурожаат этишларига кенг имконият яратмоқда.

Шу билан бирга, айрим депутатлар ва депутатлик гуруҳларида ташаббус ва фаоллик, ЎзХДП дастурий мақсадларида кўзда тутилган ижтимоий муаммоларнинг мақбул ечимларини топиш юзасидан аниқ таклифлар етишмаётгани танқид қилинди. Йиғилишда бундай аҳвол ортиқ давом этиши мумкин эмаслиги, депутатларнинг ҳар бири ташаббус ва масъулият билан ишлаши, улар фаолияти партия кенгашлари томонидан мувофиқлаштирилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Қўшма йиғилишда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссияси раиси Адиба Аҳмаджонованинг комиссия фаолияти ва келгуси режалари, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳикмат Исамуҳамедовнинг касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш ҳамда битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан ЎзХДП депутатлари, депутатлик гуруҳлари ва партия кенгашларига тегишли тавсиялар берилди.

(Махсус мухбиримиз)

Суратларда: *йиғилишдан лавҳалар.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ижро иши юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдил Тўхташев сўзга чиқди.

Лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Ер, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида»ги қонунларга ижро этиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар, шунингдек, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Анатолий Козлов маъруза қилди.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасида амалдаги Қонунга суғурталовчиларга қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида фаолият юритиш ҳуқуқини бериш, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг раҳбарлари, бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малакавий талабларни белгилаш билан боғлиқ ҳамда бошқа ўзгартишлар киритиш назарда тутилган.

Биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенция»га (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари Латиф Ғуломов, ушбу қўмита аъзоси Бегмат Нурмедовлар тушунтириш бердилар.

Мазкур Конвенция Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) томонидан 1997 йил 5 сентябрда чақирилган дипломатик конференцияда қабул қилинган ва 2001 йил 18 июнда кучга кирган. Ҳозирги вақтда 46 та давлат унинг иштирокчиси ҳисобланади.

Бирлашган Конвенция ишлатиладиган ядро ёқилғиси ва радиоактив чиқиндилар билан муомала қилиш, сақлашда хавфсизлик масалаларини тартибга солувчи биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бундан ташқари, унда ядровий хавфсизлик борасидаги амалдаги тартибни янада ривожлантириш, кучайтиришга ҳамда бу соҳада халқаро стандартларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилган.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги олдидан

ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИК

Халқаро жамоатчилик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий асосига айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг (1948 йил 10 декабрь) 60 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикасининг мамлакат мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро универсал аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатдир. Бугунги кунда Ўзбекистон БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланганлиги билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан зиёд асосий ҳужжатга қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мамлакатимизда қабул қилинаётган барча қонун ҳужжатлари замирида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши ётади. Республикамизда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ шакланди. Бозор ислоҳотларини жадал ва изчил амалга ошириш, йирик давлат ижтимоий дастурлари, жумладан, «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Сиҳат ва саломатлик йили», «Оила йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили» ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этиш орқали юртимизда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи ҳамда мантиқий давоми эканлигини қайд этиш зарур. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар фаол ишламоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилган.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, шахс, оила, жамиятнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади. Юқоридаги Фармоннинг долзарблиги шундаки, мазкур ҳужжат асосида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ишларнинг сифат жиҳатдан янги босқичи бошланмоқда. Фармоннинг бош мақсади мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмларга оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштиришдир.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари — инсонга бекаму кўст яшаш имкониятини берувчи иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий соҳаларда ўз имконият ва талабларининг амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқий мақоми бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумининг асосидир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига, унинг жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилмаслигини суд орқали ҳал қилиниши кафолатланади. Конституция фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлашга, ўзгаларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш тамойилларини, уларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 7-моддасига биноан барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар ушбу декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай гиж-гижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар дейилган. Бундан кўриниб турибдики, инсонларнинг қонун олдида тенглиги принципи умумэътироф қилинган мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топган. Айни вақтда, ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатдаги инсонпарварлик тамойиллари ҳам Бош қомусимизда қатъий белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсон ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси дунё мамлакатларини халқаро майдонда ҳамкорлик қилишга, тажриба алмашишга ундайдиган долзарб масаладир. Қолаверса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мамлакатнинг халқаро нуфузини оширади. Буни Ўзбекистон мисолида бутун дунё кўриб турибди.

Рустам ШАРИПОВ,
Хайрулла ҚЎЧҚОРОВ,
Тошкент давлат юридик институти ўқитувчилари.



Мустақиллик байрами арафасида Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани Маданият қишлоғидаги 840 ўринли янги мактаб қишлоқ ўқувчиларига туҳфа этилди. Мазкур 43-умумтаълим мактабида капитал реконструкция ишларини Марҳамат туманидаги КМК-113 қурувчилари бажаришди.

Шунингдек, бу ерда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан замонавий спорт зали ҳам бунёд этилди. Мазкур мактабда 50 ўринга мулжалланган ошхона, 115 ўринли фаоллар зали ва барча қулайликларга эга бўлган фан кабинетлари ҳамда компьютер хоналари мавжуд.

Суратда: ***кимё фани ўқитувчиси Ф.Сарибоева ўқувчилар билан.***

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«САМАРҚАНД» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Қурилиш муддати
1	2	3
	ЛОТ — 1-2:	
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд» халқаро аэропортининг ЁММ хизмати объектларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	6 ой
Лот-2	«Самарқанд» халқаро аэропортида авиация хавфсизлик хизмати, божхона ва чегара назорати хизматлари учун иншоотларни ўрнатиш	3 ой

Қурилиш ишлари «Самарқанд» халқаро аэропортининг хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: — Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1-уй, телефон: (8-366) 230-86-99, 232-04-82.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1-уйда соат 10.00 да «Самарқанд» халқаро аэропортининг биносида ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИНИНГ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи: «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг асосий кириш қисмини капитал таъмирлаш» ҚМИга.

Муддати — 30.12.2008 йил.

Буюртмачи: Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали.

Манзили: Фарғона шаҳар, Терак Мозор кўчаси, 104-уй,
телефон: 224-19-63, **факс:** 224-77-27.

Таъмирлаш ишлари маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон: 224-18-76, факс: 224-74-20 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ИССИҚЛИК МАНБАИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд шаҳри РК-2 қозонхонасидаги ПТВМ-100 қозонининг конвектив қисмини капитал таъмирлаш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси *— Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.*

Буюртмачи — Самарқанд вилоят ҳокимлиги «Иссиқлик манбаи» ОАЖ.

Манзили — Самарқанд шаҳри, А.Икромов кўчаси, 88-уй, телефон: (8-366) 222-71-01.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, иситиш қозонларини капитал таъмирлаш бўйича махсус рухсатномага ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларга эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51. Факс: 233-32-00.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

XORIJDA

КАНЦЛЕРЛИККА ИККИНЧИ НОМЗОД



Германиянинг амалдаги ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайер 2009 йил Бундестаг сайловларида канцлер лавозимига номзод этиб кўрсатилади. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, куни кеча Потсдам шаҳрида бўлиб ўтган Социал-демократлар партияси етакчилари йиғилишида шундай қарорга келинган. Штайнмайернинг сайловдаги рақиби ҳозирги ҳукумат раҳбари — канцлер ва христиан партияси блоки етакчиси Ангела Меркелдир. Мазкур партия йиғилишида, шунингдек, Рейнланд-Пфальц ҳудуди бош вазири лавозимига собиқ канцлер ўринбосари Франц Мюнтеферинг тайинланди.

СЕССИЯ ИШ БОШЛАДИ



Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Кенгашининг 8-сессияси Женевадаги Миллатлар Саройида иш бошлади. Lenta.ru хабарига кўра, унда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича янги комиссари Наванетхем Пиллей ташкилотнинг яқин йилларда амалга оширадиган ишлари дастурини тақдим этиши кутилмоқда. Шунингдек, сессия «ер шарининг қайноқ нуқталари»да инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини кўриб чиқиши режалаштирилган.

ПОЛИЦИЯ ОЛМЕРТНИ АЙБЛАШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ



Исроил полицияси бош прокуратурага мамлакат бош вазири Эҳуд Олмертни коррупция ва товламачиликда айблашни тавсия қилди, деб хабар беради РИА Новости. Полициячилар Олмертнинг америкалик тадбиркордан олган пора ва хизмат сафари учун давлат томонидан ажратилган маблағни шахсий мақсадларда ишлатгани ҳақидаги ишни судга топширишини айтди. Айбловни қўйиш-қўймаслик бўйича тугал қарорни мамлакат бош прокурори ва ҳукуматнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси Менахем Мазуз қабул қилади.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг май ойида америкалик тадбиркор Морис Талански ўн йилдан бери Олмертга сиёсий фаолиятини амалга ошириш учун юборган пулларни бош вазир шахсий мақсадларда ишлатгани ҳақидаги маълумоти катта жанжалга сабаб бўлганди. «Авода» партияси бу хабардан сўнг бош вазир лавозимини тарк этишини талаб қилди. Партиянинг талаби «Кадима»да қайтадан сайлов ўтказиш йўли билан қондириладиган бўлди. Олмерт эса қўйилаётган айбловларни инкор этмоқда. У фақат сайловда ғолиб чиққан номзодга лавозимини топширишга рози бўлди. «Праймериз» 17 сентябрь кунига белгиланди.

СУВ ТАЪМИНОТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Халқаро сув уюшмасининг(IWA) сув таъминоти масалаларига бағишланган халқаро кўргазма ва конференцияси Венада иш бошлади, деб хабар беради РИА Новости. Унда 130 давлатдан 3 мингга яқин мутахассис иштирок этмоқда. Тўрт кун давом этадиган форумда сув танқислиги кучайиб бораётган шароитда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг сув ресурсларига таъсири ва сув етказиб бериш тизимларининг дизайни масалалари муҳокама этилади. Конференцияда сув таъминоти билан боғлиқ жами 110 сессия, 30дан ортиқ семинар ва 400 тақдимот маросими ўтказилади.

«Дунё бўйича тахминан 2,6 миллиард киши ичимлик суви танқислигидан азият чекади. Кунига эса беш минг нафар бола сифатсиз ичимлик суви туфайли ҳаётдан кўз юммоқда», — дейди ташкилотнинг расмий вакили Эндрю Уолкер.

ҒАЛАТИ ТАДҚИҚОТ

АҚШ психологлар жамияти тадқиқот ўтказиб, асабийликка олиб келувчи бешта касбни аниқлади, деб ёзади «Комсомольская правда». Ғалати бўлса-да, кузатувлар соғлик учун хавфли бўлган баъзи фаолият турлари кўпчилик орзу қиладиган касблар эканини кўрсатди. Биринчи ўринни жамоатчилик фаоллари — артистлар, телебошловчилар, сиёсатчилар ва шоу-бизнес юлдузлари эгаллашди. Бунга уларнинг турмуш тарзидан қатъи назар, доим жамоатчилик олдида яхши кайфиятда бўлишга мажбур экани сабаб қилиб кўрсатилган. Иккинчи ўринни ижод аҳли — рассомлар, ёзувчилар, журналистлар, режиссёрлар эгаллашди. Бу касб машаққати аксарият ҳолларда ижод қилувчиларнинг вақтида дам олмаслиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, уларга бироз манманлик хусусияти хос бўлиб, бу ҳам ортиқча асаббузарлик келтириб чиқаради. Учинчи ўринни олимлар ва ўқитувчилар банд этди. Ота-оналар, раҳбарият томонидан назорат ва босимнинг кучайиши, болаларнинг қулоқсизлигии ва бир маромдаги иш педагоглар асаб тизимини ишдан чиқариши ҳаммага маълум. Тадқиқот натижаларига кўра, сўнгги ўрин хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига тааллуқли. Бу соҳа вакиллари баъзи инжиқ мижозларнинг талабларидан уларнинг силласини қуритиб юборади.

МАРДЛАР ТУШАР МАЙДОНГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро турнир байроғи кўтарилиб, тантанали маросим бошланганда Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниев мустақиллик шарофати ва Юртбошимизнинг бевосита қўллаб-қувватлашлари туфайли миллий курашимиз жаҳон миқёсида эътироф этилаётгани, бу борада Соҳибқирон бобомиз хотира турнирининг аҳамияти катталигини таъкидлаб ўтди. Чиндан ҳам 1992 йилда Шаҳрисабзда ўтган беллашувнинг ўзидаёқ бу турнирнинг келажакда катта нуфузга эга бўлиши башорат қилинган эди. Орадан йиллар ўтди, бугун миллий курашимиз 5 қитъанинг 102 давлатида севимли спорт турига айланди. Кураш халқаро Ассоциациясининг президенти Комил Юсупов КХАнинг 10 йиллик тўйи билан барчани табриклаб, курашни дунёда ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Туркия кураш федерацияси раҳбари Юсуф Йилдиримга КХАнинг олтин медалини топширди.

Халқаро турнирда Греция, Ироқ, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Франция, Россия, Буюк Британия, Бразилия, Польша, Венгрия каби 28 давлатдан 83 нафар номдор спортчи қатнашди.

— Юртбошимизга минг раҳмат, — дейди чироқчилик етмиш ёшли полвон Абдурашид бобо Мирзаев. — Ота-бобомиздан қолган улуғ меросимизни тиклаб, дунё майдонларига олиб чиқдилар. Менинг ўзим узоқ йиллар самбо кураши билан шуғулланганман. Бироқ, ўз курашимизнинг жозибаси ўзгача, унда ғирромлик йўқ. Полвонлар мардона бел тутиб, ўзига қулай усулни қўллайди. Тани тобланган, кураш ҳадисини олган бўлса, доим ғолиб-да! Мана, мен ҳам Тошкент ва Термизда фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида ёши улуғ полвонлар билан бел олишиб, ғолиб чиқдим. Энди ҳунаримни ёшларга ўргатай деб Чироқчида «Кураш клуби» ташкил қилдим...

Қадимдан курашнинг сеҳри шунчалик жозибадор бўлганки, қудратли полвонлар номи эл-улус орасида афсонага айланган. XV асрда Ҳиротда яшаган, Шаҳриф-тавсиф қилишар, «ҳалол» деб бор овозда олқишлашарди. Ахир, биринкетин даврага чиқаётганларнинг ҳаммаси ҳам ўзига ишонган, кучли полвонларда. Очиғи, бундай катта майдонда, кўпчиликнинг кўзи ўнгида бел тутишганда, ҳамиша ҳаяжон ва эҳтирос жунбушга келади. Полвонларга олқиш ёғилади. Бу гал ҳам ҳаяжонли лаҳзалар, одамлар узоқ вақт эсдан чиқармай гапириб юрадиган беллашувлар жуда кўп бўлди. Юртимиз вакиллари Наврўз Жўрақобилов, Темур вати, маҳорати ҳеч кимдан қолишмаслигини бир неча бор исботлади. Аммо чорак финалда эронлик спортчи Саид Ҳисравий Нажотга ютқни бой бериб қўйди. Худди шундай грециялик Дионис Илиадис Кореядан келган ёш спортчи Бек Чул Сангга бас келолмади...

Сир эмас, Пекин олимпиадаси ғолибларидан бири Абдулла Тангриев бугун жаҳоннинг энг кучли спортчиларидан бири ҳисобланади. Шу боис мухлисларнинг аксарияти бу машҳур полвонимизнинг Шаҳрисабзда ҳам зибали ҳаракатлари кўпчиликнинг назарига тушган эди. Биз ҳам бу спортчи асосий босқичгача етиб келишига ишонгандик. У финалда Абдулла Тангриев билан бел олишди. Ҳамюртимиз бу сафар ҳам ўз маҳоратини намойиш этди.

Шундай қилиб, халқаро турнирнинг бош соврини — 10 минг АҚШ доллари Абдулла Тангриевга насиб этди. Иккинчи ўринни кореялик Бек Чул Санг, учинчи ўринни эса эронлик Саид Ҳисравий Нажот ва ўзбекистонлик Икром Нуриллаевлар эгаллашди.

Абдулла Тангриев:

— Кўҳна Шаҳрисабзда бўлиб ўтган бу турнир ўзига хос нуфузга эга эканлигини дунё миқёсида танилган номдор полвонларнинг қатнашгани ҳам исботлаб турибди. Бу ютуққа энг аввало, мамлакатимизда спортга, шу жумладан, миллий курашимизга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилаётгани ва катта имкониятлар яратиб берилаётгани туфайли эришяпмиз.

Бек Чул Санг — кореялик полвон, иккинчи ўрин соҳиби:

— Бизнинг юртимизда ҳам ўзбек курашига қизиқадиганлар йил сайин кўпаймоқда. Мен бу мусобақадан ажойиб таассуротлар билан қайтаяпман. Насиб этса, яна келаман Ўзбекистонга.

Дионис Илиадис — грециялик спортчи:

— Бу ғаройиб диёрга илгари ҳам келганман. Шаҳрисабз ҳақида эшитган эдим. Жуда ажойиб ва гўзал шаҳар экан. Бу кураш мусобақаси бизга ўхшаган полвонлар учун жиддий маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Валтер Дос Сантос — бразилиялик спортчи:

— Гарчи мен ғолиб чиқмаган бўлсам-да, қалбимда юртингиз ва бағрикенг халқингизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром билан қайтаяпман. Бизнинг Бразилияда ҳам бу кураш турини жуда севишади. Насиб этса, келгуси мусобақаларга пухта ҳозирлик билан келаман...

Юнус УЗОҚОВ,
Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Эътироф

«ЕВРОПА СИФАТИ»ГА САЗОВОР БЎЛДИ

Мамлакатимиз заминида етиштирилаётган турфа мевачева, сабзавот, қовун-тарвузлар таърифи етти иқлимга машҳур. Айниқса, уларнинг витаминларга бойлиги кўп эътироф этилади. Шу боис улар қайта ишланиб, жаҳон бозорлари расталаридан муносиб жой эгаллаётир.

Хорижий замонавий ускуналар ва технологиялар асосида ишлаётган «UZ BOTTLERS GROUP» МЧЖ қўшма корхонасида тайёрланаётган маъданли сувлар, турли мева қайлалари, шарбатли ичимликлар, бир-биридан ширин ҳамда мазали бўлган «Sim-Sim» шарбатлари сифати билан хорижий давлатларда аллақачон ўз харидорларини топган. Жорий йил бошида ушбу маҳсулотларнинг ISO 22000-2005 халқаро стандарт сертификатига сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Яқинда эса корхона томонидан «Diamond» шарбатларининг ўнта янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Қўшма корхонанинг экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларнинг ишончини қозониш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бесамар кетаётгани йўқ. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги айёми арафасида Англиядан «Европа Бизнес Ассамблеяси»нинг бош директори Жон В.Неттин номидан корхона жамоасига хушхабар келди. Унда Ассамблеянинг номинация қўмитаси корхона фаолиятини юксак баҳолаб, «Европа сифати» халқаро мукофотига сазовор бўлганлиги эътироф этилган. Шуни айтиш керакки, Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳрида жойлашган «Европа Бизнес Ассамблеяси» Европа ва МДҲ мамлакатларида минтақавий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича халқаро корпорация ҳисобланади. Унинг асосий мақсади — мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий, илмий алоқаларни ўрнатиш жараёнига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Унинг «Европа сифати» сингари халқаро нуфузли мукофоти эса жаҳон жамоатчилиги ўртасида машҳур. Зеро, бундай нуфузли мукофот билан ўз маҳсулотлари, хизматлари сифат ва рақобатбардошликнинг юқори кўрсаткичларига мос келадиган корхоналаргина тақдирланади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 23.35
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

2008 йил — Ёшлар йили

«МАЛИКАБОНУ ЗИЁ»НИНГ ОҚИЛА ҚИЗЛАРИ

моҳир пазанда, қўлигул тикувчи, тажрибали ҳамширадир

Фариштаси бор хонадон сариштали бўлади. Оила ободлиги, дастурхонларнинг тўкин-сочин, қут-баракали бўлишида уй бекаларининг алоҳида ўрни бор. Момолардан мерос бўлиб келаётган ўлмас анъаналарни қизларга ўргатиш, уларнинг оқила уй бекаси бўлишида пойтахтимиздаги «Маликабону зиё» ўқув марказининг хизмати таҳсинга лойиқ. Айни кунларда мазкур марказнинг Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги филиаллари хайрли ишларни амалга оширмоқда. Келажакда Жиззах ва Андижонда ҳам ўқув марказлари ташкил этиш режалаштирилган.

— Узун мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидан, — дейди ўқув марказининг туман филиали раҳбари Гулзорхон Хуррамова. — Қизларнинг турли касб эгалари бўлишларида аввало ўқув маркази раҳбари Нигора Қодированинг хизмати катта деб биламан. Унинг саъй-ҳаракатлари билан олис ҳудудда ҳам шундай ажойиб зиё маскани фаолият бошлади. Ўтган уч ой давомида 200 нафардан ортиқ қишлоқ қизлари ширинликлар тайёрлаш, бичиш-тикиш, оила ҳамшираси ва бошқа саккизта йўналиш бўйича мутахассис бўлишди. Уларга саккиз нафар устоз ва мураббийлар касб сирларини пухта ўргатишди. Яқинда эса мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларга дипломлар топширилди. Қувонарли томони шундаки, қизларимизнинг асосий қисмини қишлоқ ёшлари ташкил этади. Энди улар моҳир пазанда, қўлигул тикувчи, тажрибали ҳамширадир.

— Келиним билан шу филиалда ҳунар эгаси бўлдик, — дейди «Меҳнат» маҳалласида истиқомат қилувчи Саодат Султонова. — Бу марказ касб-хунар ўргатмоқда, оилаларни мустаҳкам ва аҳил бўлишига ҳисса қўшмоқда.

Айни кунларда «Маликабону зиё»да яна 300 нафардан ортиқ қизлар таҳсил олишмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИГА ЭЪТИБОР

Бешариқ туманидаги марказий шифохонанинг туғуруқ бўлими ҳамда болалар поликлиникаси сифатли таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Жамоа аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя этиш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кўрилаётган ана шундай чора-тадбирлар сабаб аҳолининг соғлиги тобора мустаҳкамланиб, касалликлар олди олинмоқда.

Суратда: акушер-гинеколог Дилбархон Марасулова ва ҳамшира Нигора Узоқова.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ҚЎЛБОЛА «КАТЮША» ВА ЁҒ

инсон соғлигига жиддий хавф солади

Ҳаммамиз ҳам истеъмолчи сифатида ўзимизга керакли маҳсулотни харид қиламизу, кўпинча харид қилаётган маҳсулот сифатлими, сотиш учун рухсатномаси борми, дея қизиқиб ўтирмаймиз. Ваҳоланки, истеъмолчи сифатида ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши керак. Негаки, сифатсиз маҳсулот инсон соғлигига хавф солиши мумкин.

Рўзимурод Усмоновни «цех очибди» дейишганида айриллар ишонмади. Аслида эса у яширин цех очиб, қўлбола усулда ароқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган экан.

— Тозасидан бор, — дея мижозларга «Катюша»ни мақтаб сотаётганида, текширувчилар келиб қолди. Рўзимурод Усмонов яшайдиган Жиззах тумани «Токчилик» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги хонадон кўздан кечирилганда, қўлбола усулда ароқ тайёрланаётган эди. Нафсига эрк бериб, қинғир ишга қўл урган арокфуруш фаолиятига чек қўйилди.

Афсуски, бундайлар орамизда ҳамон учраб турибди. Улар қилаётган ишимни ҳеч ким билмайди, деб калта ўйлашади. Бу қинғир ишлари одамлар ҳаётига хавф солаётгани билан қизиқишмайди. Улар қўлбола усулда тайёрлаган истеъмолга яроқсиз ароқни сотувга чиқариб фойда олишса бўлди, оқибати билан ишлари йўқ...

Ғулом Қўшбоқов Жиззах шаҳри «Дўстлик» маҳалласида яшайди. Унинг қўлбола усулда пахта ёғи ишлаб чиқаришини, эҳтимол, қўни-қўшнилари билмас. Ўтказилган тезкор тадбирда «цех» эгасининг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. Ундан 432 литр қўлбола усулда ишлаб чиқарилган пахта ёғи далилий ашё сифатида олинди.

Зоминлик Баҳодир Такабоев ҳам ўз уйида яширин цех очиб, иш «юргизганида» сири очилиб қолди. Тартибга зид равишда қўлбола ёғ ишлаб чиқараётган «тадбиркор» энди афсусда. Чунки, унга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилди...

Жиззах тумани «Пахтаобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Акром Мавлонов ҳам қонунга хилоф тарзда ёғ ишлаб чиқараётганлиги маълум бўлди. Уйида яширинча жувоз ўрнатиб, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган бу фуқаронинг ҳам «фаолияти» тўхтатилди. Ундан қўлбола усулда ишлаб чиқарилиб, сотиш учун тайёрлаб қўйилган 48 кг. пахта ёғи, кунжара, техник чигит, жувоз ускунаси, генератор ва бошқа асбоб-ускуналар далилий ашё тариқасида олиб қўйилди.

Инсон ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қатъий тартиб ўрнатиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда. Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритганлар белгиланган тартибда жазоланмоқда. Шунинг учун ҳар бир фуқаро бирор-бир ишга қўл урар экан, тегишли жойдан рўйхатдан ўтиб, рухсатнома асосида фаолият юритиши керак. Шундагина ортиқча ташвишларга ўрин қолмайди.

Абдумавлонхон АСРОРОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва «Ўзбекистон матбуоти» журнали жамоалари журнал бош муҳаррирининг собиқ ўринбосари, фахрий журналист **Абдуғани Набиевич АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.